Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Ҳалқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

30 октябрь, пайшанба, 1997 йил
Сотувда эркин нархда. № 223 (1740)

## ВЕНГРИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНДА

**29 октябрь куни Венгрия Республикаси Президенти Арпад Гёнц расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.**

Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов, ташқи ишлар вазири А. Комилов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди. Кутиб олувчилар орасида Венгриянинг Ўзбекистондаги Фавқулода ва Мухтор элчиси Дьёрд Нановски ҳам бор эди.

(ЎзА).

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОЙИШИ*

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИНИ САНАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Белгиланган вазифаларни мунтазам равишда бажармай келаётган, молиявий жиҳатдан оғир аҳволга тушиб қолган, улкан дебиторлик қарзлари ва тўловлари зиммасида бўлган, яъни банкротлик ҳолатидаги қишлоқ хўжалиги корхоналари тақдирини ҳал этиш бўйича таклиф ва ҳал этилиши лозим бўлган масалаларни тайёрлаш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш бўйича иловадаги таркибда Ҳукумат комиссияси ташкил этилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда худди шундай комиссиялар тузилиб, уларга раҳбарлик қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ҳамда вилоят ҳокимларининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарлари зиммасига юклансин.

2. Ҳукумат комиссияси зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:

зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий жиҳатдан ночор қишлоқ хўжалик корхоналарини инвентаризация қилиш ишларини мувофиқлаштириш;

қонунчиликка мувофиқ тарзда бундай хўжаликларни санация қилиш бўйича белгиланган тадбирларни тайёрлаш ва амалга ошириш;

қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг банкротликка тушиб қолишининг олдини олиш бўйича ягона давлат сиёсатини ўтказиш;

иқтисодий жиҳатдан ночор қишлоқ хўжалик корхоналарини молиявий соғломлаштириш ҳамда уларни бошқаришни ташкил этишни яхшилаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, амалга ошириш;

қишлоқ хўжалик корхоналарини иқтисодий жиҳатдан ночор ҳолатга олиб келган мансабдор шахсларнинг жавобгарлик даражасини кўриб чиқиш;

қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилишга ажратилган маблағлардан аниқ мақсад йўлида ва самарали фойдаланишни назорат қилиш.

3. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш бўйича Ҳукумат комиссияси 10 кун муддат ичида қишлоқ хўжалик корхоналарини иқтисодий жиҳатдан ночор деб топиш Тартиби ва қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш Тартибини ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш бўйича ҳукумат комиссияси иштирокида бир ой муддат ичида «Қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш ҳақида»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб Олий Мажлисга кўриб чиқиш учун тақдим этсин.

5. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири Ў. Султонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 29 октябрь.





*Қашқадарё вилоятидаги энг йирик саноат корхоналаридан бири «Каштекс» очиқ ҳиссадорлик жамияти иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамай, бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар истеъмолчилар орасида анча шуҳрат топиб улгурди.*

***СУРАТЛАРДА:** тикув цехининг кўриниши; муҳандис - технологи Барно Нарзиқулова ёш тикувчи Сабоҳат Орзиқуловага тикиш сирларини ўргатмоқда.*

**Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.**

*● МУНОСАБАТ*

## ХАЛҚИМИЗ БИЗДАН ҲАЛОЛЛИК ВА ФИДОЙИЛИКНИ КУТМОҚДА

***Аввал хабар қилинганидек, куни кеча Республика прокуратураси ҳайъатининг вилоят ва туманлар прокурорлари, тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари, айрим туманлар ҳокимлари иштирокидаги кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда қишлоқ хўжалигида тубислоҳотларни амалга оширишда қонунчиликни таъминлаш борасидаги долзарб вазифалар, ер, унинг бугунги ҳолати, ундан фойдаланиш, самарадорлигини оширишни таъминлаш, қишлоқ хўжалигида агротехника қоидаларига риоя этилишида мансабдор шахсларнинг ўз хизмат вазифаларига қандай муносабатда бўлаётганликлари ҳақидаги масалалар кескин муҳокама қилинди. Мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси Бурҳон БЕКМИРЗАЕВга ана шу масалаларга доир бир қанча саволлар билан мурожаат қилди.***

**-- Маълумки, «Ер тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддасида ер давлат мулки ва муҳофазасида эканлиги, ундан оқилона фойдаланиш зарурлиги таъкидланган. Шундай экан, унга бўлган бугунги муносабат ҳақида нималар дея оласиз?**

-- Саволингизга, афсуски, ижобий жавоб бериб бўлмайди. Чунки қишлоқ хўжалик соҳасининг ҳар бир бўғинида ерга нисбатан хоинлик, хўжасизлик, масъулиятсизлик, айтиш мумкинки, жиноят корона муносабатга йўл қўйилмоқда. Ер едиради, ичиради, яшаш учун асосий шарт-шароитларни яратиб беради. Бир сўз билан айтганда, инсонни боқади. Ерга номигагини эгалик қилиш эмас, балки ундан унумли, самарали фойдаланиш учун курашиш керак.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг асосини пахта ва бошоқли дон етиштириш ташкил қилади. 1997 йилда бир миллион 500 минг гектар майдонга пахта, бир миллион гектар сувли, 500 минг гектар лалми ерга бошоқли дон экинлари, 170 минг гектар ерга шоли, шунингдек, хўжаликларнинг ер шароитидан келиб чиқиб, мева, сабзавот, полиз, картошка ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари экиб, деҳқончилик қилинди.

«Ер тўғрисида»ги Қонуннинг 26-моддасида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланишда тупроқ унумдорлигини ошириш, ердан оқилона фойдаланиш, деҳқончиликнинг энг самарали ва иқтисодий жиҳатдан оқилона тартибларини жорий этиш, ерни муҳофаза қилиш, шўрланиши ва ботқоқланишига йўл қўймайдиган зарур чора-тадбирларни кўриш мажбурияти юклатилган. Лекин...

**-- Бу мажбуриятнинг ижросини жойларда кимлар таъминлайди?**

Албатта мутасадди раҳбарлар-да. Бу ахир уларнинг бевосита вазифаси, доимий юмуши бўлиши керак. Ҳеч ким уларга саҳронинг қоқ ўртасида гул ундир демаяпти-ку. Баъзан улар наҳотки ўзларининг бурчи, вазифасини англашмаса, ҳис қилишмаса деб ўйлаб қоласан, киши.

Маълумки, мавжуд қонунларга мувофиқ қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш ва унинг ҳолатини яхшилаш вазифаси ҳамда ваколатлари асосан республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги зиммасига юклатилган. Шу боис Президентимиз томонидан мазкур вазирликка бир йилда икки марта ерлардан фойдаланишнинг аҳволини текшириш ҳақида топшириқ берилди. Вазирлик эса текширмади эмас, текширади, лекин одатдагидан сал бошқачароқ «текширади».

Вазирликка қарашли ердан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ходимлари жойларга текшириш учун борадида туман, хўжалик раҳбарининг бир яшикароғи, сўйган қўйини еб-ичиб, чўнтагини тўлдириб, ўзидан юқорига «ҳаммаси жойида», деб ҳисобот беради. Ерни талон-тарож қилиш айнан мана шу ердан бошланади.

Текширишлар жараёнида Жиззах, Сирдарё ва бошқа бир қанча вилоятларда ерлар қонунга хилоф тарзда талон-тарож қилинганлиги аниқланди.

**(Давоми 3-бетда).**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 1997 ЙИЛ 29 ОКТЯБРДАГИ ФАРМОЙИШИГА ИЛОВА*

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИНИ САНАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ

Ҳамидов Б.С. -- Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг ўринбосари, комиссия раиси

Умаров М.Т. -- Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари, корхоналарнинг иқтисодий ноқобиллиги бўйича қўмита раиси, комиссия котиби

Комиссия аъзолари:

Обидов О.О. -- Меҳнат вазири

Абдусаломов М.Э. -- Олий Хўжалик суди раиси

Беганов В.С. -- Давлат солиқ қўмитаси раиси

Жўраев А.М. -- Макроиқтисодиёт ва статистика вазирининг ўринбосари

Қалибеков И.Ж. -- Бош вазир ўринбосари котибияти мудири

Мирсафоев С.С. -- Адлия вазири

Муллажонов Ф.М. -- Марказий банк бошқаруви раиси

Сайфиддинов Ж.Б. -- Молия вазири

Саломов И.Т. -- «Мевасабзавотбанк» бошқаруви раиси

Тошматов К.Ф. -- «Пахтабанк» бошқаруви раиси

Ҳамроев Н.Р. -- Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илмий ишлаб чиқариш марказининг бош директори

Эргашев Й.Э. -- «Ғаллабанк» бошқаруви раиси

Юсупов Н.С. -- Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари.

*● ДАЛА КУНДАЛИГИ*

## КЎПКАРИ

***Олтин кузнинг ўртанча фарзанди -- Октябрь жанобий ҳазратларининг карвони ҳам умримиз бекатларига қучоқ-қучоқ саховату шодлик улашиб, ўтиб бораётир. Унинг хайр-хўшлашига ҳам саноқли кунлар қолди. Аммо ушбу кунларнинг ҳар бир дақиқаси пахтакорларимиз учун олтин билан баробардир. Йил бошида чамани тўғри олган деҳқон бу илиқ кунларга шукрона айтиб, келгуси йил ҳосилига қизғин тараддуд кўрмоқда. Айни вақтда даладаги сўнгги дуру жавоҳирларни тўплаб, кўзланган марра сари жадал бораётган вилоят ва туманлар, хўжалик ва корпорациялар, уюшмалар ҳам анчагина. Қашқадарё ва Самарқанд пахтакорларининг «финиш чизиғи» кўриниб қолди.***

Ғузор, Қамаши, Косон, Иштихон, Пастдарғом, Олтиариқ, Норин туманлари бирин-кетин ғалаба рапортига имзо чекдилар. Таҳририятимизга ҳар куни ўнлаб хўжаликларнинг зафари ҳақида телеграммалар келиб турибди, қўнғироқлар баса-басига жаранглайди. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги тасарруфидаги статистика давлат департаментининг пахта йиғим-терими ҳақидаги маълумоти (бир ойдирки, маълумотни фақат рус тилида оламиз, бизнингча департамент бу маълумотни чет элларга ҳам жўнатса керак-да?..)ни сабрсизлик билан кутамиз.

Ва бирдан айрим вилоятларда йиғим-терим шашти тобора сўниб бораётганидан кўнглимиз чўкади. Бухоро, Навоий, Наманган вилоятларида сафарбарлик ҳамон етишмаётир. Техникадан фойдаланиш даражаси паст. Масалан, Сирдарё вилоятида 817 та пахта териш машинаси далага чиқарилган. Улар кунига 248 тонна пахта термоқда. Битта машина бир кунда илғор теримчи қатори пахта терадиган бўлса, унга қанчалаб ёқилғи, эҳтиёт қисмлар сарфлашга на ҳожат? Жиззах вилоятида ҳам йиғим терим агрегатларидан фойдаланиш ниҳоятда суст. Бу йил жиззахликлар ҳосилнинг 210 минг тоннасини машиналарда йиғиштириб олишга сўз берган эдилар, ҳозиргача бу кўрсатгич бор-йўғи 12 минг тоннани ташкил этди.



Бухоро ва Навоий вилоятлари раҳбарияти ҳам табиат инжиқликлари, ернинг шўрланиш даражаси ошиб бораётганлигидан нолишади. Бир донишманд айтганидек, нолиш-ожизлик белгиси. Ҳақиқий тадбиркор нолимайди, баҳона қидирмайди, ердан хазина излайди холос. Суғориш тизимини яхшилайди, ерни тўйинтиради, бобомерос тажрибани ишга солади. Яхши нав танлайди, дулдулини сайисхонага боғлаб қўймайди -- кўпкарига олиб чиқади.

Раҳбарнинг уддабуронлиги ана шу кўпкарида -- элу юрт кўз ўнгида намоён бўлади. Худди Хоразм сингари! Худди Андижон янглиғ!

Кўпкарига кирдингми -- отингдан нолима, Алпомиш каби от сол -- марра сеники бўлади!

* * *

P.S. Газетамизнинг Фарғона вилояти бўйича мухбири Набижон Собир ҳозиргина таҳририятга сим қоқиб, Олой тоғ тизмалари этагида деҳқончилик қилаётган Фарғона тумани пахтакорлари Ватан омборларига 19 минг 200 тоннадан зиёд оқ олтин тўкиб, кўпкарининг олдинги маррасига ўтиб олганлигини хабар қилди. Ҳосилдорлик 31 центнердан ошган. Туманда Фарғона, Навоий номли, Ҳамза номли, Бобур номли жамоа хўжаликларининг дулдуллари карвонбошилик қилмоқда.

**Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти бўлими.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

Илгари хабар қилинганидек, 27 -- 28 октябрь кунлари Тожикистон Республикасининг Ўзбекистон чегарасига яқин Турсунзода туманида ҳукумат қўшинларининг ҳукуматга қарши йўналишдаги жангарилар тўдаси билан қуролли тўқнашувлари юз берди.

Айни шу пайтда 1997 йил августида ҳукумат гвардияси томонидан тор-мор қилинган Тожикистон Мудофаа вазирлигининг мунтазам қисми -- М. Худойбердиев бригадасининг айрим жангарилари гўё Ўзбекистон ҳудудидан ўтаётгани ҳақида турли ахборот ва мишмишлар тарқатилди. Бундай миш-миш ва талқинларга асос бўлаётган фактларни аниқлаш ва муҳокама қилиш учун Ўзбекистон томонининг таклифига биноан 1997 йил 28 октябрь куни Ўзбекистон Республикасининг Термиз шаҳрида Тожикистон ва Ўзбекистоннинг Хавфсизлик хизмати, чегара қўшинлари, Ташқи ишлар ва Ички ишлар вазирликлари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Томонлар Тожикистоннинг Ўзбекистон билан чегарадош жойларида юз берган қуролли тўқнашувлар фактларини муҳокама қилиб, ана шу ҳолларга, қурбонлар берилишига ҳамда Тожикистондаги ички қарама-қаршиликнинг кучайишига олиб келган вазият ва унинг аниқ сабаблари хусусида фикр алмашдилар.

Учрашувнинг Тожикистон томонидан иштирокчилари, шунингдек БМТнинг қочқинлар ишлари бўйича гуруҳи Комиссари раҳбарлигида чегарадош Термиз туманидаги Амударё кечуви орқали тожик қочқинларининг ватанига қайтиши, уларнинг хавфсизлиги таъминланиши ҳамда уларга мурувват ёрдами кўрсатилиши юзасидан амалга оширилган ишлар билан таништирилди.

Тожикистоннинг ўзбек ва тожик миллатига мансуб, Ўзбекистон ҳудудида яшайдиган аҳоли билан қариндошлик алоқаларига эга бўлган аҳоли истиқомат қиладиган чегарадош ҳудудларидаги вазият таҳлили шуни кўрсатадики, икки давлат ўртасида, қабул қилинган халқаро меъёрларга жавоб берадиган аниқ белгиланган чегара шакллантирилмас экан, Ўзбекистон ва Тожикистон чегаралари ўртасида яхши йўлга қўйилган чегара хизмати барпо этилмас экан, Тожикистонда беш йилдан ортиқ вақт мобайнида давом этаётган сиёсий ва қуролли тўқнашувларни назарда тутганда, «Ўзбекистон картаси» қабилидаги турли найрангларга баҳона топилаверади.

Бу вазифани ҳал этиш Ўзбекистон томонидан ҳам, Тожикистон томонидан ҳам анчагина бюджет маблағлари сарф қилинишини тақозо этади.

Шундай бўлса-да, Термиздаги учрашув иштирокчилари яқин орада чегара ҳудудида манфаатдор хизматларнинг учрашувини ўтказиш, Тожикистон ва Ўзбекистоннинг қуролли тузилмалари ва чегара хизматларининг ҳамкорлигини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгилаш, чегарада тартиб ўрнатиш, фуқаролар ва юкларнинг ўтказилиши тартибини такомиллаштириш зарурлиги ҳақида бир фикрга келдилар.

Наркотик моддалар ва қурол билан ғайриқонуний савдо қилиш, уларни Тожикистон-Ўзбекистон чегарасидан олиб ўтиш, шунингдек уюшган жиноятчилик ва террорчиликка қарши курашни кучайтириш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Айрим оммавий ахборот воситалари тарқатган, гўё Тожикистоннинг Хатлон вилояти ҳокими собиқ ўринбосари, М. Худойбердиевнинг собиқ сафдоши Қосим Бобоев берган кўрсатмалар ҳақидаги ахборотлар хусусида, Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги шуни маълум қиладики, мазкур шахс (Қ. Бобоев) 1997 йил 15 октябрь куни Ўзбекистон ҳудудида қўлга олиниб, Тожикистон ҳукуматига топширилган.

Ташқи ишлар вазирлиги шуни таъкидлайдики, Ўзбекистон Республикаси Тожикистонда тезда мустаҳкам тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишидан, Тожикистон халқининг фаровон турмуш кечиришга эришишидан энг манфаатдор мамлакатдир.

**Тошкент шаҳри,**
**1997 йил 29 октябрь.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Сўнгги йилларда Ҳамдўстлик мамлакатларида аҳоли маблағларига нисбатан жуда кўп қаллобликлар содир бўлганининг гувоҳимиз. Турли қинғир йўллар билан сохта шуҳрат орттирган «фирма» ва «жамғарма»лар одамларга яқин орада олтин тоғлар, яъни катта миқдорда фоиз тўлашни ваъда қилиб, қўлларига тушган барча маблағларни ўзлаштириб, тўлов пайти келганда кўздан ғойиб бўлмоқдалар. Бундай кўнгилсиз ҳодисалар, афсуски, бизнинг мамлакатимизда ҳам учраб турибди. «Цукурс-бизнес» ташкилотининг одамлар маблағини нопок йўллар билан қандай ўзлаштиргани, пировардида кенг жамоатчиликнинг лаънатига учрагани кўпчиликнинг хаёлидан кўтарилмаган бўлса керак. Аммо Бухоро суғурта компанияси вакиллари ана шу нохуш воқеадан етарли сабоқ чиқармаган экан. Суғуртачилар соддадил одамлар кўнглини овлаб, уларнинг бўш маблағларини ўзлаштиргани, ўзларининг берган қоп-қоп ваъдалари устидан чиқмагани юзасидан тегишли идоралар олдида ҳисоб бермоқдалар. Мана шундай кўнгилсиз ҳодисалар такрорланмаслиги учун Республика Марказий банки яна бир бор эслатиб ўтади: ортиқча пулларингизни ишончли бўлмаган фирма ва жамғармаларга эмас, балки Марказий банк рухсатномасини олган Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Асака», «Замин», Халқ банки, «Ўзсаноатқурилишбанк», «Тадбиркор», «Пахтабанк», «Ғаллабанк», «Ўзмевасабзавотбанк», «Савдогар», «Алоқабанк», «Ўзсаёҳатинвестбанк», «Турон», «Ипак йўли», «Авиабанк», «Ўзенгилсаноатбанк», «Трастбанк», «Ўзуйжойжамғармабанк», «Сармоябанк», «Илмтехбанк», «Андижонбанк», «Наманганбанк», «Парвинабанк», «Умарбанк», «Олимбанк», «ЎТбанк», «Ўзприватбанк», «АБН Амробанк» ва «ЎзДЭУбанк»да сақланг.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

# БОЖ ТАРИФИ ТЎҒРИСИДА

**1-модда. Қонуннинг мақсади ва асосий вазифалари**

Ушбу Қонун бож тарифини шакллантириш ва қўлланиш тартибини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан олиб ўтилаётган товарлардан бож ундириш қоидаларини белгилайди.

Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодиёти билан самарали интеграциялашуви учун шарт-шароит яратиш ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудида амал қилади.

**2-модда. Бож тарифи**

Бож тарифи -- божхона чегарасидан олиб ўтиладиган, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг Товар номенклатураси (бундан кейин матнда -- Товар номенклатураси деб юритилади) принциплари ва қоидаларига мувофиқ ҳолда бир тизимга солинган товарларга нисбатан қўлланиладиган бож ставкаларининг тўпламидир.

Товар номенклатураси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**3-модда. Бож**

Бож -- Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан товарлар олиб ўтилаётганда божхона органлари томонидан ундириладиган тўлов.

Ўзбекистон Республикасида импорт божи, экспорт божи, мавсумий ва алоҳида (махсус, демпингга қарши, компенсация) бож қўлланилади.

**4-модда. Бож ставкаларининг турлари**

Ўзбекистон Республикасида бож ставкаларининг қуйидаги турлари қўлланилади:

бож ундириладиган товарларнинг божхона қийматига нисбатан фоизларда ҳисобланадиган адвалор ставкалар;

бож ундириладиган товарлар бирлиги учун белгиланган миқдорда ҳисобланадиган хос ставкалар;

божнинг адвалор ҳамда хос турларини ўз ичига оладиган аралаш ставкалар.

**5-модда. Халқаро шартномалар**

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бож тарифи тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**6-модда. Импорт ва экспорт божи**

Импорт божи халқаро шартномаларга мувофиқ белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси савдо-иқтисодий алоқаларда энг кўп қулайлик бериш тартибини қўллаётган мамлакатда ишлаб чиқарилган товарлар учун ундириладиган импорт божи ставкаларининг энг кам ёки энг кўп миқдори қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

Савдо-иқтисодий алоқаларда энг кўп қулайлик бериш тартиби назарда тутилмаган мамлакатларда ишлаб чиқарилган ёки қайси мамлакатда ишлаб чиқарилганлиги аниқланмаган товарлар учун ундириладиган импорт божининг ставкалари икки баравар оширилади, ушбу Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси томонидан тариф преференциялари бериладиган ҳоллар бундан мустасно.

Импорт ва экспорт божининг ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда жорий этилади.

**7-модда. Мавсумий божлар**

Мавсумий божлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиб, товарлар олиб кириш ва олиб чиқишни тезкор тартибга солиш учун қўлланилади. Бунда бож тарифида назарда тутилган бож ставкалари қўлланилмайди. Мавсумий божлар улар белгиланган вақтдан эътиборан олти ойдан ортиқ амал қилиши мумкин эмас.

**8-модда. Махсус божлар**

Махсус божлар, башарти, ўхшаш ёки бевосита рақобат қилувчи товарлар божхона ҳудудига Ўзбекистон Республикасидаги товар ишлаб чиқарувчиларга зиён етказадиган ёки зиён етказиши мумкин бўлган миқдорда ва шартларда олиб кирилаётган бўлса, ҳимоя чораси сифатида, шунингдек бошқа давлатлар томонидан қилинаётган Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқларини чекловчи ва манфаатларини камситувчи бошқа ҳаракатларга жавоб чораси сифатида қўлланилади.

**9-модда. Демпингга қарши божлар**

Демпингга қарши божлар қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

товарлар божхона ҳудудига уларнинг олиб чиқилган давлатда айни вақтда амалда бўлган реал қийматидан паст нархда олиб кирилса, агар бундай олиб кириш Ўзбекистон Республикасининг шунга ўхшаш товарларни ишлаб чиқарувчиларига моддий зиён етказса ёки етказиш хавфини туғдирса ёхуд Ўзбекистон Республикасида худди шундай товарлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ёки кенгайтиришга тўсқинлик қилса;

товарлар божхона ҳудудидан унинг Ўзбекистон Республикасида айни вақтда амалда бўлган реал қийматидан паст нархда олиб чиқилаётган бўлса, агар бундай олиб чиқиш Ўзбекистон Республикасининг шунга ўхшаш товарларни ишлаб чиқарувчиларига моддий зиён етказса ёки етказиш хавфи бўлса ёхуд Ўзбекистон Республикасининг ишлаб чиқарувчилари ўртасида нормал рақобат ўрнатилишига тўсқинлик қилса.

**10-модда. Компенсация божлари**

Компенсация божлари қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига ишлаб чиқариш ёки олиб чиқиш пайтида бевосита ёхуд билвосита субсидиялардан фойдаланилган товарлар олиб кирилса, агар бундай олиб кириш Ўзбекистон Республикасининг ўхшаш товарлар ишлаб чиқарувчиларига моддий зиён етказса ёки етказиш хавфи бўлса ёхуд Ўзбекистон Республикасида худди шундай товарлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ёки кенгайтиришга тўсқинлик қилса;

божхона ҳудудидан ишлаб чиқариш ёки олиб чиқиш пайтида бевосита ёхуд билвосита субсидиялардан фойдаланилган товарлар олиб чиқилса, агар бундай олиб чиқиш Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига моддий зиён етказса ёки етказиш хавфи бўлса.

**11-модда. Алоҳида турдаги божларни қўллаш шартлари**

Алоҳида божлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат бошқаруви органлари ташаббуси билан ўтказиладиган текширув натижаларига биноан қўлланилади.

Алоҳида божларнинг ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар бир ҳолат бўйича махсус белгиланади ва уларнинг миқдори текширув натижасида аниқланган баҳони демпинг тарзида арзонлаштиришга, субсидиялар ва аниқланган зарар миқдорига мутаносиб бўлиши керак.

**12-модда. Божхона қиймати**

Божхона қиймати -- ушбу Қонунга мувофиқ белгиланадиган ва божхона тўловларини ҳисоблаб чиқариш мақсадида фойдаланиладиган товар қийматидир.

Божхона қиймати ўтказиладиган божхона расмийлаштируви вақтида божхона органига декларант томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда маълум қилинади (декларацияга киритилади).

Божхона қийматини аниқлаш тўғри ва ҳужжатлар билан тасдиқланган маълумотларга асосланиши лозим.

**13-модда. Божхона қийматини белгилашда декларантнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Декларант қуйидаги ҳуқуқларга эга:

божхона органига тақдим этилган, божхона қийматини белгилашда фойдаланилган маълумотларнинг тўғрилигини исботлаш;

эълон қилинган божхона қийматига аниқлик киритиш зарурияти вужудга келганида божхона органининг рухсати билан ўзи декларация берган товардан гаров қўйиб ёки вакил банкнинг кафолати остида ёхуд божхона органи чиқарган товарнинг божхона баҳосига мувофиқ божхона тўловларини тўлаб фойдаланиш;

божхона қийматини аниқлаш хусусида божхона органи чиқарган қарор устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш.

Декларант қуйидагиларни амалга ошириши шарт:

божхона органига божхона қийматини эълон қилиш;

божхона органининг талабига биноан божхона қийматини белгилашга доир маълумотларни тақдим этиш.

Декларант томонидан эълон қилинган товарнинг божхона қийматига аниқлик киритилиши ёки божхона органига қўшимча ахборот берилиши муносабати билан юзага келган харажатларни декларант тўлайди. Товарнинг божхона баҳосини аниқлаш муносабати билан уни божхонада расмийлаштириш муддатининг узайишидан декларант божни тўлаш муддатини амалда кечиктириш учун фойдаланиши мумкин эмас.

**14-модда. Товарнинг божхона баҳоси устидан назоратни амалга оширишда божхона органининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Товарнинг божхона баҳоси устидан назоратни амалга оширишда божхона органи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

декларант эълон қилган товарнинг божхона қиймати тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида қарор қабул қилиш;

башарти декларант ўзи фойдаланган маълумотларининг тўғрилигини тасдиқловчи далилларни тақдим этмаса, товарнинг божхона қийматини аниқлашда декларант фойдаланган усулни қўллаш мумкин эмаслиги ҳақида қарор қабул қилиш;

декларант эълон қилган товарнинг божхона қиймати тўғри аниқланганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд бўлмаса ёки декларант тақдим этган маълумотларни нотўғри ва (ёки) тўлиқ эмас деб ҳисоблаш учун асослар мавжуд бўлса, ўзида бор маълумотларга (шу жумладан айнан бир хил бўлган ёки ўхшаш товарларнинг баҳолари ҳақидаги ахборотга) асосланиб, ушбу Қонунга мувофиқ тузатишлар киритиш йўли билан божхона қийматини аниқлаш усулларини бирин-кетин қўллаган ҳолда декларация берилаётган товарнинг божхона қийматини аниқлаш.

Божхона органи декларантнинг ёзма сўровига биноан, у эълон қилган товарнинг божхона қиймати божхона органи томонидан қабул қилинмаганлигининг сабаблари кўрсатилган тушунтириш хатини декларантга тақдим қилиши шарт.

**15-модда. Божни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш ва ундириш**

Товар учун божни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш ва ундириш унинг божхона қиймати асосида Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига мувофиқ амалга оширилади.

Бож Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетига ўтказилади.

**16-модда. Божхона баҳоси**

Божхона баҳоси Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кирилаётган товарлар қийматини божхонада аниқлашнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ қўлланиладиган усуллари тизимидир.

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетиладиган товарларнинг божхона қийматини аниқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**17-модда. Божхона баҳосини чиқариш усуллари**

Олиб кирилаётган товар юзасидан тузилган битимнинг қийматига қараб баҳолаш товарнинг божхона баҳосини чиқаришнинг асосий усулидир.

Агар асосий усулдан фойдаланиб бўлмаса, божхона баҳосини чиқаришнинг қуйидаги усуллари бирин-кетин қўлланилади:

айнан бир хил товар юзасидан тузилган битим қийматига қараб баҳолаш;

ўхшаш товар юзасидан тузилган битим қийматига қараб баҳолаш;

қийматларни чегириб ташлаш асосида;

қийматларни қўшиш асосида;

резерв усул.

Қийматларни чегириб ташлаш ва қийматларни қўшиш асосидаги усуллар исталган кетма-кетликда қўлланилиши мумкин.

**18-модда. Олиб кирилаётган товар юзасидан тузилган битим қийматига қараб божхона баҳосини чиқариш**

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кирилаётган товарнинг божхона қиймати -- битим қийматидан, яъни олиб кирилаётган товар учун Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтиш вақтида амалда тўланган ёки тўланиши лозим бўлган баҳодан иборатдир, башарти:

божхона қийматини эълон қилиш вақтида декларант фойдаланган маълумотлар ҳужжатлар билан тасдиқланган ва тўғри бўлса;

харидорнинг товарларни тасарруф этиши ёки улардан фойдаланишига тааллуқли чекловлар бўлмаса, қонун ҳужжатларида белгиланган чекловлар бундан мустасно;

товарларнинг сотилиши ёки нархи баҳоланаётган товарларнинг божхона қиймати аниқлаб бўлмайдиган ҳолга олиб келадиган қандайдир шартлар ёки фикрларга сабаб бўлмаса;

харидор товарни кейинчалик қайта сотиши, тасарруф этиши ёки ундан фойдаланишидан келган тушумнинг бирон-бир қисми бевосита ёки билвосита сотувчига ўтмаса, фақат агар ушбу модда иккинчи қисмининг қоидаларига мувофиқ тегишли тузатишлар киритиш мумкин бўлмаса;

харидор ва сотувчи бир-бирига боғлиқ шахслар бўлмаса, бундай ўзаро боғлиқлик битим қийматига таъсир этмаганлиги декларант томонидан исбот қилинган ҳоллар бундан мустасно.

Божхона қийматини аниқлашда олиб кирилаётган товар учун амалда тўланган ёки тўланиши лозим бўлган баҳога қуйидаги харажатлар қўшилади, башарти улар мазкур баҳога киритилмаган бўлса:

1) товарни божхона ҳудудига олиб кириладиган жойга етказиб келтиргунга қадар қилинган харажатлар: ташиш қиймати; юклаш, тушириш, қайта юклаш ва бошқа жойга тўкиш билан боғлиқ харажатлар; суғурта суммаси;

2) харидор томонидан қилинган харажатлар: воситачилик ва брокерлик ҳақлари, товарни сотиб олиш чоғидаги воситачилик харажатлари бундан мустасно; контейнерлар ва (ёки) кўп марта ишлатиладиган бошқа идишлар қиймати, агар улар баҳоланаётган товар билан бир бутун деб ҳисобланса; ўраш қиймати, бунга ўраш материаллари қиймати ва ўраш ҳақи киради;

3) хизматларнинг ҳамда сотувчи харидорга текинга ёки арзон нархда бевосита ёхуд билвосита берадиган бошқа товарларнинг қиймати;

4) интеллектуал мулк объектларидан фойдаланганлик учун харидор баҳоланаётган товарларни сотиш шарти сифатида бевосита ёки билвосита тўлаши шарт бўлган лицензия тўловлари ва бошқа тўловлар;

5) олиб кирилган товарни кейинчалик қайта сотиш, тасарруф этиш ёки ундан фойдаланишдан келган тушумнинг бевосита ёки билвосита сотувчига тегиши керак бўлган исталган қисмининг қиймати.

Товарнинг божхона қийматини аниқлаш учун олиб кирилаётган товар юзасидан тузилган битим қийматига қараб божхона баҳосини чиқариш усулидан фойдаланиш мумкин эмас, башарти:

харидорнинг баҳоланаётган товарга бўлган ҳуқуқлари чекланган бўлса, қонун ҳужжатларида белгиланган чекловлар ва товар баҳосига жиддий таъсир қилмайдиган чекловлар бундан мустасно;

товарни сотиш ва битим қиймати таъсирини ҳисобга олиш мумкин бўлмаган шартларга риоя этилишига боғлиқ бўлса;

божхона қийматини эълон қилиш вақтида декларант фойдаланган маълумотлар ҳужжатлар билан тасдиқланмаган бўлса ёки улар нотўғри бўлса;

битим қатнашчилари бир-бирига боғлиқ шахслар бўлса, уларнинг ўзаро боғлиқлиги битим баҳосига таъсир этмаган ва бу нарса декларант томонидан исбот қилинган ҳоллар бундан мустасно.

Бир-бирига боғлиқ шахслар дейилганда қуйида келтирилган белгиларнинг ақалли биттасига мос келадиган кишилар тушунилади:

битим қатнашчиларидан биттаси (жисмоний шахс) ёки битим қатнашчиларидан бирининг мансабдор шахси айни бир вақтда битимда қатнашаётган бошқа шахснинг мансабдор шахси бўлса;

битим қатнашчилари корхонага биргаликда эгалик қилувчи шахслар бўлса;

битим қатнашчилари меҳнат муносабатлари орқали ўзаро боғлиқ бўлса;

битим қатнашчиларидан бири битимда қатнашаётган бошқа шахс устав капиталининг овоз ҳуқуқини берувчи камида беш фоизига тенг бўлган улуш (пай) ёки акция эгаси бўлса;

битимнинг ҳар иккала қатнашчиси бевосита ёки билвосита учинчи шахс назорати остида бўлса;

битим қатнашчилари биргаликда бевосита ёки билвосита учинчи шахсни назорат қилсалар;

битим қатнашчиларидан бири битимда қатнашаётган бошқа шахснинг бевосита ёки билвосита назорати остида бўлса;

битим қатнашчилари ёки уларнинг мансабдор шахслари қариндош бўлсалар.

**19-модда. Айнан бир хил товар юзасидан тузилган битим қийматига қараб божхона баҳосини чиқариш**

Айнан бир хил товар дейилганида ҳар жиҳатдан, шу жумладан: физик хусусиятлари; сифати ва бозордаги қадри; қайси мамлакатда ишлаб чиқарилганлиги; ишлаб чиқарувчиси каби белгилари жиҳатидан баҳоланаётган товар билан бир хил бўлган товар тушунилади.

Товарнинг ташқи кўринишидаги жузъий фарқлар, агар у бошқа жиҳатлари билан ушбу модданинг биринчи қисми талабларига мос бўлса, уни айнан бир хил эмас, деб ҳисоблаш учун асос бўла олмайди.

Айнан бир хил товар юзасидан тузилган битим қиймати бож қийматини белгилаш учун асос қилиб олинади, агар бу товар:

баҳоланаётган товар олиб кирилгунга қадар кўпи билан 90 кун олдин Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кириш учун сотилган бўлса;

тахминан ўшанча миқдорда ва (ёки) ўшандай тижорат шартларида олиб кирилган бўлса. Агар айнан бир хил товар кўп ёки кам миқдорда ва (ёки) бошқа тижорат шартларида олиб кирилган бўлса, баҳоланаётган товарнинг божхона қийматига ана шу фарқларни ҳисобга олган ҳолда тузатишлар киритилади, башарти, бу тузатишларнинг асосли эканлигини божхона органига ҳужжатлар билан тасдиқлаб бериш мумкин бўлса.

Айнан бир хил товар юзасидан тузилган битим қийматига қараб аниқланадиган божхона қийматига ушбу Қонуннинг 18-моддасида кўрсатилган харажатларни ҳисобга олган ҳолда тузатишлар киритилиши лозим.

Тузатишлар декларант томонидан тўғри ва ҳужжат билан тасдиқланган маълумотлар асосида киритилиши лозим.

Агар ушбу усулни қўллаш вақтида айнан бир хил товар юзасидан тузилган битимнинг икки ва ундан ортиқ нархи мавжудлиги аниқланса, олиб кирилаётган товарнинг божхона қийматини белгилаш учун уларнинг энг паст нархи қўлланилади.

**20-модда. Ўхшаш товар юзасидан тузилган битим қийматига қараб божхона баҳосини чиқариш**

Ўхшаш товар дейилганида ҳар жиҳатдан бир хил бўлмаса-да, ўхшаш хусусиятларга эга бўлганлиги ва таркибий жиҳатдан ўхшашлилиги туфайли баҳоланаётган товар билан бир хил вазифаларни бажара оладиган ва тижорат нуқтаи назаридан унинг ўрнини боса оладиган товар тушунилади.

Товарнинг ўхшашлигини аниқлашда унинг қуйидаги белгилари: сифати, товар белгисининг мавжудлиги ва бозордаги қадри; қайси мамлакатда ишлаб чиқарилганлиги; ишлаб чиқарувчиси ҳисобга олинади.

Ўхшаш товар юзасидан тузилган битим қийматига қараб божхона баҳосини чиқариш усулидан фойдаланганда ушбу Қонун 19-моддаси учинчи, тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмларининг қоидалари қўлланилади.

19-модда ва ушбу модданинг қоидалари асосида божхона баҳосини чиқариш усулларидан фойдаланилганида:

агар товар баҳоланаётган товар ишлаб чиқарилган мамлакатда ишлаб чиқарилмаган бўлса, у баҳоланаётган товар билан айнан бир хил ёки ўхшаш ҳисобланмайди;

баҳоланаётган товарнинг ишлаб чиқарувчиси томонидан эмас, балки бошқа шахс томонидан ишлаб чиқарилган товар, баҳоланаётган товарни ишлаб чиқарган шахс томонидан ишлаб чиқарилган айнан бир хил товар ҳам, ўхшаш товар ҳам бўлмаган тақдирдагина эътиборга олинади;

агар товарни лойиҳалаш, унинг устидаги тажриба-конструкторлик ишлари, унинг бадиий безаги, дизайни, эскизи, чизмалари ва бошқа шунга ўхшаш ишлар Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган бўлса, бундай товар айнан ёки бир хил ўхшаш ҳисобланмайди.

**21-модда. Қийматларни чегириб ташлаш асосида божхона баҳосини чиқариш**

Агар баҳоланаётган, айнан бир хил ёки ўхшаш товарлар ўзининг дастлабки ҳолати ўзгармаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотилса, қийматларни чегириб ташлаш асосида божхона баҳосини чиқариш амалга оширилади.

Қийматларни чегириб ташлаш асосида божхона баҳосини чиқариш усулидан божхона қийматини аниқлаш учун асос сифатида фойдаланилганда товар бирлигининг баҳоланаётган, айнан ёки бир хил ўхшаш товарлар олиб келинган вақтдан бошлаб камида 90 кундан кейин Ўзбекистон Республикаси ҳудудида катта туркумларда битимнинг сотувчи билан ўзаро боғлиқ бўлмаган иштирокчисига сотилган баҳоси қўлланилади.

Товар бирлигининг баҳосидан қуйидаги харажатлар чегириб ташланади:

воситачилик ҳақи тўлашга қилинган харажатлар, фойдага қўйиладиган одатдаги устамалар ва олиб келинган бир хил класдаги ва турдаги товарларни Ўзбекистон Республикасида сотиш билан боғлиқ умумий харажатлар;

товарлар олиб кириш ёки сотиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасида тўланиши лозим бўлган импорт божлари, солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловлар суммаси;

Ўзбекистон Республикасида транспортда ташиш, суғурталаш, юклаш ва тушириш учун қилинган харажатлар.

Олиб кирилаётган вақтда қандай ҳолатда бўлса, шу ҳолатда баҳоланган, айнан бир хил бўлган ёки ўхшаш товарлар сотилган ҳоллар мавжуд бўлмаса, декларантнинг илтимосига биноан ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмлари қоидаларига риоя этган ҳолда ҳамда қўшилган қийматга тузатиш киритилиб, қайта ишланган товар бирлигининг баҳосидан фойдаланиш мумкин.

**22-модда. Қийматларни қўшиш асосида божхона баҳосини чиқариш**

Қийматларни қўшиш асосида божхона баҳосини чиқариш усулидан фойдаланилганда, товарнинг:

баҳоланаётган товарни ишлаб чиқариш муносабати билан тайёрловчи томонидан сарфланган материаллар қийматини ва бошқа харажатларни;

айни бир турдаги товарларни олиб чиқилаётган мамлакатдан Ўзбекистон Республикасига сотишга хос бўлган умумий харажатларни, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтиш жойигача транспортда ташиб келтириш, юклаш ва тушириш, суғурталаш харажатларини;

айнан ёки бир хил ўхшаш товарларни Ўзбекистон Республикасига етказиб бериш натижасида экспортёр томонидан одатда олинадиган фойдани қўшган ҳолда чиқариладиган баҳоси божхона қийматини белгилаш учун асос сифатида қабул қилинади.

**23-модда. Резерв усул ёрдамида божхона баҳосини чиқариш**

Агар товарнинг божхона қийматини ушбу Қонуннинг 18 -- 22-моддаларида кўрсатилган усуллар ёрдамида аниқлаш мумкин бўлмаса, баҳоланаётган товарларнинг божхона қиймати божхона органида мавжуд бўлган нархларга доир ахборот асосида белгиланади. Бунда товарнинг божхона қийматини белгилашда қуйидагиларга асосланиш мумкин эмас:

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган ўхшаш товарнинг сотув нархига;

икки ва ундан ортиқ муқобил қийматларнинг энг юқорисига;

товарнинг олиб чиқилган (экспорт қилинган) мамлакат ички бозоридаги баҳосига;

олиб чиқилган (экспорт қилинган) мамлакатдан учинчи мамлакатларга етказиб берилган товарнинг баҳосига;

энг паст божхона қийматларига, шунингдек, товарларнинг ўзбошимчалик билан қўйилган ёки ўз тасдиғини топмаган сохта қийматларига.

**24-модда. Товар ишлаб чиқарилган мамлакат**

Товар батамом ишлаб чиқарилган ёки ушбу Қонунда белгиланган талабларга мувофиқ етарли даражада қайта ишланган мамлакат товар ишлаб чиқарилган мамлакат ҳисобланади. Бир гуруҳ мамлакатлар, мамлакатларнинг божхона иттифоқлари, минтақа ва башарти, товар ишлаб чиқарилган жойни аниқлаш мақсади ажратиб кўрсатишни тақозо этса, бирор мамлакатнинг муайян қисми товар ишлаб чиқарилган мамлакат деб ҳисобланиши мумкин.

**25-модда. Муайян мамлакатда батамом ишлаб чиқарилган товарлар**

Қуйидагилар муайян мамлакатда батамом ишлаб чиқарилган товарлар ҳисобланади:

унинг ҳудудидан ёки ҳудудий сувларидан ёхуд континенталь шельфидан ва денгиз остидан олинган фойдали қазилмалар, агар мамлакат денгиз остини қазиш учун мутлақ ҳуқуққа эга бўлса;

мамлакат ҳудудида ўстирилган ёки йиғиб олинган ўсимлик маҳсулотлари;

мамлакатда туғилган ва парвариш қилинган тирик ҳайвонлар;

мамлакатда етиштирилган ўсимлик маҳсулотлари ва ҳайвонлардан олинган маҳсулот;

мамлакатда тайёрланган овчилик, балиқчилик ва денгиз ови маҳсулоти;

мамлакат кемаларида ёки у ижарага олган (фрахт қилган) кемаларда жаҳон океанида овланган ва (ёки) тайёрланган денгиз ови маҳсулотлари;

мамлакатдаги ишлаб чиқариш ёки бошқа операцияларнинг натижаси бўлмиш иккиламчи хомашё ва чиқиндилар;

мамлакатга қарашли ёки у ижарага олган космик кемаларда очиқ космосда олинган юқори технология маҳсулотлари;

мамлакатда ушбу моддада кўрсатиб ўтилган маҳсулотлардангина ишлаб чиқарилган товарлар.

**26-модда. Товарнинг етарли даражада қайта ишланганлиги мезони**

Агар товарни ишлаб чиқаришда икки ёки ундан ортиқ мамлакат иштирок этаётган бўлса, унинг ишлаб чиқарилган жойи шу товарнинг етарли даражада қайта ишланганлиги мезонига мувофиқ аниқланади.

Муайян мамлакатда товарнинг етарли даражада қайта ишланганлиги мезонлари қуйидагилардан иборат:

товарни қайта ишлаш натижасида унинг Товар номенклатурасидаги ўрнининг (товарнинг таснифловчи кодининг) дастлабки тўртта код белгисининг исталган бири даражасида ўзгариши (умумий қоида);

фойдаланилган материаллар қийматининг ёки қўшилган қийматнинг фоизлардаги улуши етказиб берилаётган товар баҳосининг қайд этилган улушига етганда (адвалор улуш қоидаси) товар қийматининг ўзгариши.

Қуйидагилар товарнинг етарли даражада қайта ишланганлиги мезонларига жавоб бермайди:

сақлаш ёки транспортда ташиш вақтида товарларнинг бут сақланишини таъминлаш бўйича операциялар;

товарларни сотиш ва транспортда ташишга тайёрлаш бўйича операциялар (товар туркумини майдалаш, товарларни жўнатишни ташкил қилиш, саралаш, қайтадан ўраш);

оддий йиғув операциялари;

товарларни (таркибий қисмларни) аралаштириб ҳосил қилинган маҳсулотга унга дастлабки таркибидан жиддий фарқлантирадиган хусусиятларни бермаслик;

юқорида кўрсатилган операцияларнинг иккитаси ёки ундан ортиғини бир вақтда амалга ошириш;

чорва молларини сўйиш.

Муайян товарлар ҳамда мамлакатлар учун етарли даражада қайта ишланганлик мезони Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда жорий этилади ва қўлланилади.

**27-модда. Товарлар туркум-туркум қилиб етказиб берилганда уларни ишлаб чиқарган мамлакатни аниқлаш**

Ишлаб чиқариш ёки транспорт шароитларига кўра, товарларни битта туркум қилиб жўнатишнинг иложи бўлмаганлиги сабабли улар бўлиб-бўлиб ёки йиғилмаган ҳолда етказиб берилса, шунингдек, бир туркум товар нотўғри тақсимланиши натижасида бир неча туркумга бўлинган бўлса, уни ишлаб чиқарган мамлакатни аниқлашда бундай товарлар декларантнинг хоҳишига кўра, ягона товар деб қаралиши керак. Ушбу қоидани қўллаш шарти қуйидагилардан иборат:

бўлакларга бўлинган ёки йиғилмаган товарнинг бир неча туркумга тақсимланганлигини, бундай тақсимлаш сабабларини, Товар номенклатурасига кўра товарларнинг кодлари, ҳар бир туркумга кирадиган товарларнинг қиймати ва уларни ишлаб чиқарган мамлакатни кўрсатган ҳолда ҳар бир туркумнинг батафсил таснифини божхона органига олдиндан маълум қилиш;

товар бир неча туркумга нотўғри тақсимланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

барча туркумдаги товарларнинг битта мамлакатдан битта етказиб берувчи орқали юборилганлиги;

товарларнинг барча туркумлари битта божхона органи орқали олиб кирилганлиги;

барча туркумдаги товарлар контрактда кўрсатилган муддат ичида етказиб берилганлиги.

**28-модда. Товар ишлаб чиқарилган мамлакатни тасдиқлаш**

Товар муайян бир мамлакатда ишлаб чиқарилганлиги товарнинг келиб чиқишига доир сертификат билан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан товарларни олиб чиқиб кетиш вақтида товарнинг келиб чиқишига доир сертификат ваколатли орган томонидан берилади, башарти, унинг зарурлиги тегишли контрактларда, товар олиб кириладиган мамлакатнинг миллий қоидаларида қайд этилган ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларида назарда тутилган бўлса.

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига товар олиб кирилганида товарнинг келиб чиқишига доир сертификат қуйидаги ҳолларда албатта тақдим этилади:

бож тарифи бўйича Ўзбекистон Республикаси томонидан преференция берилган мамлакатларда ишлаб чиқарилган товарларга;

муайян мамлакатдан олиб кирилиши миқдорий чекловлар (квоталаш) орқали ёки ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг бошқа чоралари орқали бошқариб туриладиган товарларга;

божхонада расмийлаштиришга тақдим этилган ҳужжатларда товарлар қаерда ишлаб чиқарилганлигига доир маълумотлар бўлмаган ёки божхона органида товарни декларациясида товарларнинг ишлаб чиқарилган мамлакатига доир нотўғри маълумотлар кўрсатилган деб тахмин қилишга асос бўлган ҳолларда;

башарти, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида ва халқаро шартномаларида назарда тутилган бўлса.

**29-модда. Товарнинг келиб чиқишига доир сертификат**

Товарнинг келиб чиқишига доир сертификат мазкур товарнинг муайян мамлакатда ишлаб чиқарилганлигидан аниқ далолат бериши ва унда:

жўнатилаётган товарнинг тегишли келиб чиқиш мезонларига мослиги ҳақида товар жўнатувчи томонидан берилган ёзма ариза;

сертификатда келтирилган маълумотларнинг ҳақиқийлиги тўғрисида товар олиб чиқиб кетилаётган мамлакатнинг сертификат берган ваколатли органининг ёзма гувоҳномаси бўлиши лозим.

Товарнинг келиб чиқишига доир сертификат божхонада расмийлаштириш учун зарур бўлган божхона декларацияси ва бошқа ҳужжатлар билан бирга тақдим этилади. Сертификат йўқотилган тақдирда, унинг расмий равишда тасдиқланган дубликати қабул қилинади.

Сертификат ёки ундаги маълумотларнинг, шу жумладан, товар ишлаб чиқарилган мамлакат ҳақидаги маълумотнинг тўғрилигига шубҳа туғилса, Ўзбекистон Республикасининг божхона органи қўшимча ёки аниқлик киритадиган маълумот беришини сўраб ушбу сертификатни берган органга ёки сертификатда товар ишлаб чиқарилган мамлакат сифатида кўрсатилган мамлакатнинг ваколатли ташкилотларига мурожаат қилиши мумкин.

Ушбу Қонунда белгиланган ҳолларда товарнинг келиб чиқишига доир тегишли суратда расмийлаштирилган сертификат ёки сўралган қўшимча маълумотлар тақдим этилмагунига қадар товар муайян мамлакатда ишлаб чиқарилган деб ҳисобланмайди.

**30-модда. Товарни чиқаришни рад этиш асослари**

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқ товарларини чиқариш мумкин бўлмаган мамлакатда ишлаб чиқарилган деб тахмин қилишга етарли асослар мавжуд бўлса, божхона органи бундай товарни божхона чегарасидан чиқаришни рад этиши мумкин.

Бошқа ҳолларда сертификат ёки товарнинг келиб чиқишига доир маълумотлар тақдим этилмаганлиги товарни божхона чегарасидан чиқаришни рад этишга асос бўлмайди.

**31-модда. Товар ишлаб чиқарилган мамлакатни аниқлашга доир қўшимча қоидалар**

Божхонада расмийлаштириш амалга оширилганидан кейин узоғи билан бир йил ичида товарлар ишлаб чиқарилган мамлакат ҳақида тегишли гувоҳнома олинса, товарларга нисбатан энг кўп қулайлик бериш тартиби ёки преференциал режими қўлланилиши (қайта тикланиши) мумкин.

Товарлар ишлаб чиқарилган мамлакатни аниқлашда уларни ишлаб чиқариш учун фойдаланилган энергия, машиналар, ускуналар ва асбобларнинг қаерда ишлаб чиқарилганлиги инобатга олинмайди.

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига учинчи мамлакатлардан олиб кириладиган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган эркин божхона зоналари ва эркин омборлар ҳудудидан олиб кириладиган товарлар ишлаб чиқарилган мамлакатни аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**32-модда. Тариф имтиёзлари ва преференциялар**

Товарларга нисбатан тариф имтиёзлари ва преференциялар ушбу Қонун билан белгиланади ва улар индивидуал хусусиятга эга бўлиши мумкин эмас, ушбу Қонуннинг 33, 34 ҳамда 35-моддаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Тариф имтиёзлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда берилади.

**33-модда. Бож ундиришдан озод қилиш**

Бож ундиришдан қуйидагилар озод қилинади:

халқаро йўналишда юклар, багаж ва йўловчилар ташийдиган транспорт воситалари, шунингдек, уларнинг йўлда, оралиқ тўхташ жойларида бир маромда ишлаши учун зарур бўлган ёки транспорт воситаларида юз берган аварияларга (носозликларга) барҳам бериш учун чет элларда сотиб олинган моддий-техника таъминоти буюмлари ва асбоб-анжомлари, ёнилғи, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа мол-мулк;

қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг валютаси, чет эл валютаси (нумизматика учун ишлатиладиган валюта бундан мустасно), шунингдек, қимматли қоғозлар;

денгизда ов билан банд бўлган Ўзбекистон Республикаси кемаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари томонидан ижарага олинган (фрахт қилинган) кемаларни таъминлаш мақсадида божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиладиган моддий-техника таъминоти буюмлари ва анжомлар, ёнилғи, озиқ-овқат ва бошқа мол-мулк, шунингдек, уларнинг Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кириладиган ов маҳсулотлари;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда давлат мулкига айлантирилиши лозим бўлган товарлар;

чет давлатлар вакилларининг, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ёки халқаро шартномаларига мувофиқ бож тўламасдан буларни олиб кириш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахсларнинг расмий ёки шахсий эҳтиёжлар учун фойдаланишига мўлжаллаб божхона ҳудудига олиб кириладиган ёки бу ҳудуддан олиб чиқиладиган буюмлар;

инсонпарварлик ёрдами сифатида, давлатлар, ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар томонидан беғараз ёрдам тариқасида ёки хайрия мақсадларида, шу жумладан, техник ёрдам кўрсатиш тарзида авариялар ва ҳалокатлар, табиий офатларнинг оқибатларини бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кириладиган ва ундан олиб чиқиладиган товарлар;

бепул ўқув, даволаш ва мактабгача тарбия болалар муассасалари учун мўлжалланган ўқув қўлланмалари;

учинчи давлатлар учун мўлжалланган ва божхона назорати остида Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан транзит тартибида олиб ўтиладиган товарлар;

божхона қонун ҳужжатларига мувофиқ жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган ва ишлаб чиқариш ёки бошқа тижорат фаолиятини олиб бориш учун мўлжалланмаган товарлар.

**34-модда. Тариф преференциялари бериш**

Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан савдо-иқтисодий муносабатларини амалга оширишда:

Ўзбекистон Республикаси билан бирга эркин савдо зонаси ёки божхона иттифоқини ташкил қилган ёхуд шундай зона ёки иттифоқ тузиш мақсадини кўзловчи битимни имзолаган давлатларда ишлаб чиқарилган товарларга;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган Ўзбекистон Республикаси миллий преференция тизимидан фойдаланувчи ривожланаётган мамлакатларда ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан бож тўлашдан озод қилиш, бож ставкаларини камайтириш ёки преференциал тартибда товар олиб киришга (олиб чиқишга) тариф квоталари белгилаш каби преференциялар йўл қўйилади.

**35-модда. Тариф имтиёзлари бериш**

Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо сиёсатини унинг божхона ҳудуди доирасида амалга оширишда:

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексида белгиланган тегишли божхона режимлари доирасида божхона назорати остида Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига вақтинча олиб кириладиган ёки ундан вақтинча олиб чиқиладиган товарларга;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ чет элда инвестиция соҳасидаги ҳамкорлик объектларини қуриш учун бутловчи буюмлар таркибида олиб чиқиладиган товарларга;

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан давлат эҳтиёжлари учун экспортга ажратилган ҳажмларда олиб чиқиладиган товарларга;

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг чет эл корхоналарининг устав фондларига улуш сифатида олиб кириладиган товарларга, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимларда назарда тутилган ҳолларда шундай корхоналар олиб чиқиб кетадиган ўзлари ишлаб чиқарган товарларнинг айрим турларига нисбатан илгари тўланган божни қайтариш, бож ставкасини камайтириш ва алоҳида ҳолларда бождан озод қилиш каби тариф имтиёзлари берилишига йўл қўйилади.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 29 август.

---

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

# «БОЖ ТАРИФИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. «Бож тарифи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 1998 йил 1 январдан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Бож тарифи тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирсин, вазирликлар ҳамда идоралар ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишларини ва бекор қилишларини таъминласин.

3. Белгилаб қўйилсинки, қонун ҳужжатлари «Бож тарифи тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирилгунга қадар Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатларининг ушбу Қонунга зид бўлмаган қисмлари қўлланилаверади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**
**Э. ХАЛИЛОВ.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 29 август.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ*

# ДАВЛАТ БОЖХОНА ХИЗМАТИ ТЎҒРИСИДА

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонун давлат божхона хизмати органлари (бундан буёнги матнда божхона органлари деб юритилади) фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради.

Божхона органлари Ўзбекистон Республикасининг ягона божхона сиёсатини амалга ошириш ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тузилади.

**2-модда. Божхона назорати**

Божхона назорати Ўзбекистон Республикасининг божхона иши соҳасидаги қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида божхона органлари амалга оширадиган тадбирлар мужмуидан иборат.

**3-модда. Божхона органлари**

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари, божхона комплекслари ва божхона постлари божхона органларидир.

Божхона органлари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, ушбу Қонунга, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларйга ва халқаро шартномаларига амал қиладилар.

Божхона органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз фаолиятини давлат ҳокимияти маҳаллий органларидан мустақил тарзда амалга оширадилар.

Божхона органлари ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлар барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан ижро этилиши шарт.

Божхона органлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳисобланади ва давлат бюджети маблағларидан таъминланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган ва ўз номи битилган муҳрга эга.

Давлат божхона қўмитасининг тузилиши ҳамда унинг фаолиятини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган Низом билан белгиланади.

**4-модда. Божхона органларининг асосий вазифалари**

Божхона органларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва ўз ваколати доирасида унинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш;

божхона сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш;

божхона тўловларини ундириш;

божхона назоратидан ўтказилиши керак бўлган товарлар ва транспорт воситалари шундай назоратдан ўтказилишини таъминлаш;

божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилишининг, шу жумладан контрабанданинг олдини олиш, уни аниқлаш ва уларга чек қўйиш;

ташқи иқтисодий фаолиятга доир божхона статистикасини ҳамда товар номенклатурасини юритиш;

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг божхона ишига оид қисмидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш.

**5-модда. Божхона органларининг ҳуқуқлари**

Божхона органлари ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

товарлар ва транспорт воситаларини, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса, жисмоний шахсларнинг ўзини кўздан кечириш;

юридик ва жисмоний шахслардан кўздан кечириш учун товарлар ва транспорт воситаларини, шунингдек зарур ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш;

валюта назоратини амалга ошириш;

молия, банк ва бошқа ташкилотлардан, шунингдек юридик ва жисмоний шахслардан экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ахборот ва ҳужжатларни ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ахборотни олиш;

божхона назоратидан ўтказиш мақсадида товарлар ҳамда бошқа буюмлардан намуна ва нусхалар олиш;

божхона назоратидан ўтказилиши лозим бўлган товарлар сақланаётган ҳудудларга ва биноларга белгиланган тартибда кириш;

божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига доир материалларни белгиланган тартибда кўриб чиқиш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларни қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиш;

божхонага оид ҳуқуқбузарликларнинг бевосита предмети бўлган товарлар ва транспорт воситаларини қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда ушлаб туриш ҳамда олиб қўйиш;

суриштирув ўтказиш ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш;

божхонага оид ҳуқуқбузарликларни аниқлашга хизмат қиладиган техникавий ва махсус воситаларни қўллаш.

Божхона органлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эгадирлар.

**6-модда. Божхона органларининг мажбуриятлари**

Божхона органлари:

ягона давлат божхона сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этишга;

божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, божлар тўғри ҳисобланиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини назорат қилишга;

давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш, атроф муҳитни муҳофаза этиш чора-тадбирлари амалга оширилишига кўмаклашишга;

божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини қўлланиш бўйича белгиланган тартибда услубий кўрсатмалар ва норматив ҳужжатлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни нашр этишга;

юридик ва жисмоний шахсларни товарлар ва транспорт воситаларини олиб ўтиш ҳамда божхона чегарасидан ўтиш вақтидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида ўз вақтида хабардор қилишга;

фаолият турлари билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган махсус рухсатномаларни (лицензияларни) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда беришга;

ўз хизмат вазифаларини бажаришлари натижасида ўзларига маълум бўлиб қолган давлат сири ва тижорат сири ҳисобланган ахборотни ошкор этмасликка мажбурдирлар.

Божхона органлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифаларни ҳам бажарадилар.

**7-модда. Божхона органларининг бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги**

Божхона органлари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни давлат бошқарувининг бошқа органлари ва давлат ҳокимияти маҳаллий органлари билан ҳамкорликда бажарадилар. Мазкур органлар божхона назоратини амалга ошириш ҳамда божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига қарши курашда божхона органларига кўмаклашишлари шарт.

Божхона органлари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида бошқа органлар ва ташкилотлар билан аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича мавжуд материаллар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек бошқа ахборотни қонун ҳужжатларида ва битимларда белгиланган тартибда ўзаро алмашадилар.

Божхона органлари ўз ваколатлари доирасида чиқарадиган ҳамма учун мажбурий тусдаги норматив ҳужжатлар тегишли вазирликлар, идоралар билан келишилиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Божхона органлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз ваколатларига кирадиган айрим ҳаракатларнинг бошқа органлар ва ташкилотлар томонидан бажарилишига йўл қўядилар.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида банклар ва бошқа молия-кредит ташкилотлари:

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бюджет олдидаги мажбуриятларнинг божхона тўловларига оид қисмининг бажарилиши тўғрисидаги божхона органларининг хулосасига биноан ана шу субъектларнинг ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисоб варақларини ёпишлари мумкин;

белгиланган муддатларда тўланмаган божхона тўловлари ва жарима суммаларини хўжалик субъектларидан сўзсиз тартибда ундириб олиш тўғрисидаги божхона органларининг фармойишларини (инкассо топшириқларини) бажарадилар;

хўжалик субъектларининг сўмлардаги маблағлари етишмаса ва валюта ҳисобварақларида маблағлари мавжуд бўлса, божхона органларининг тақдимномасига биноан мазкур валюта маблағларини валюта биржасида сотиш кунидаги курс бўйича бюджет олдидаги қарзни қоплаш учун зарур ҳажмларда сўзсиз сотишни амалга оширадилар.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг айби билан божхона тўловлари ва жарима суммаларини тўлаш кечиктирилган бўлса, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар ёки божхона органларининг божхона тўловларини ўтказиш ёки қайтариш тўғрисидаги топшириқлари банк ёки молия-кредит муассасаларининг айби билан бажарилмаган бўлса (бажариш кечиктирилган бўлса), хўжалик субъектларидан, банк ёки молия-кредит муассасаларидан белгиланган тартибда пеня ундирилади.

**8-модда. Божхона органларининг мансабдор шахслари**

Божхона органларининг мансабдор шахслари хизмат вазифаларини бажариш вақтида давлат ҳокимиятининг вакиллари ҳисобланадилар ва уларнинг божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этиш борасидаги талабларини барча юридик ва жисмоний шахслар бажариши шарт.

Божхона органлари мансабдор шахсларининг қонуний фаолиятига аралашишга ҳеч ким ҳақли эмас. Божхона органлари мансабдор шахсларининг қонуний талабларини бажармаслик, уларнинг ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш, ўз хизмат вазифаларини бажаришлари муносабати билан уларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳақоратлаш, уларга қаршилик кўрсатиш, таҳдид, зўрлик қилиш ёки уларнинг ҳаётига, соғлиғига ва мол-мулкига тажовуз қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Божхона органларининг мансабдор шахслари хизмат вазифаларини бажариш вақтида қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда табель ўқотар қуролини ҳамда махсус воситаларни сақлаш, олиб юриш ва қўллаш ҳуқуқига эгадирлар.

Божхона органларида хизматни ўташ, божхона органларининг мансабдор шахсларини рағбатлантириш ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўлланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**9-модда. Божхона органларининг мансабдор шахсларини тайинлаш**

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг раиси Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан тайинланиб, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг ўринбосарлари, Давлат божхона қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бошқармаларининг ва ихтисослаштирилган божхона мажмуаларининг бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланадилар.

Божхона органларининг ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида санаб ўтилмаган мансабдор шахслари Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси белгилайдиган тартибда тайинланадилар.

**10-модда. Божхона органлари мансабдор шахсларининг махсус унвонлари**

Божхона органларининг мансабдор шахсларига улар эгаллаб турган лавозимларга ҳамда неча йил ишлаганликларига қараб қуйидаги махсус унвонлар берилади:

кичик бошлиқлар таркиби -- божхона хизматининг старшинаси;

ўрта бошлиқлар таркиби -- божхона хизматининг кичик лейтенанти, божхона хизматининг лейтенанти, божхона хизматининг катта лейтенанти, божхона хизматининг капитани;

катта бошлиқлар таркиби -- божхона хизматининг майори, божхона хизматининг подполковниги, божхона хизматининг полковниги;

олий бошлиқлар таркиби -- божхона хизматининг генерал-майори, божхона хизматининг генерал-лейтенанти, божхона хизматининг генерал-полковниги.

Махсус унвонлар бериш ва улардан маҳрум этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**11-модда. Божхона органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлиги**

Божхона органларининг мансабдор шахслари ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизликлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар.

Божхона органи мансабдор шахсининг юридик ва жисмоний шахсларга етказган зарари қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда қопланиши лозим.

Нотўғри ундирилган божхона тўловлари ва жарима суммалари қайтарилиши лозим, божхона органларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари туфайли етказилган зарар эса, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

**12-модда. Божхона органлари мансабдор шахсларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларини муҳофаза этиш**

Давлат божхона органлари мансабдор шахсларининг ижтимоий ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Божхона органлари мансабдор шахсларининг ҳаёти ва соғлиғи давлат бюджети маблағлари ҳисобидан мажбуран шахсий суғурта қилиниши лозим.

Ўз мансаб вазифаларини бажаришлари муносабати билан божхона органларининг мансабдор шахсларига тан жароҳати етказилган ёки улар ҳалок бўлган, шунингдек уларнинг мол-мулки йўқ қилинган ёки унга зарар етказилган тақдирда бунинг учун моддий товон тўлаш тартиби ва миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Божхона органлари ходимлари ва улар оила аъзоларининг пенсия таъминоти ҳарбий хизматни, ички ишлар органларидаги хизматни ўтаган шахслар ва уларнинг оила аъзолари учун қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар ва нормалар бўйича амалга оширилади. Божхона органлари мансабдор шахсларига божхона органларида хизматни ўташнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда пенсия тайинлаш учун ишлаган йилларини ҳисоблаб чиқариш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Божхона органлари мансабдор шахслари ва улар оила аъзоларининг пенсия таъминотини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг пенсия хизмати зиммасига юклатилади.

**13-модда. Божхона органлари мансабдор шахсларининг моддий таъминоти**

Божхона органлари ходимларининг иш ҳақи мансаб маошидан, махсус унвонлар ва ишлаган йиллари учун устамалардан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий этилган тартибда белгиланадиган бошқа қўшимча ҳақлардан иборатдир.

Божхона органларининг мансабдор шахслари бепул формали кийим-бош билан таъминланадилар. Божхона органлари мансабдор шахслари кийим-бошининг бичими, фарқловчи белгилари ва кийим-бош билан таъминлаш нормалари қонун ҳужжатларида белгиланади. Формали кийим-бошни кийиб юриш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланади.

Божхона органларида махсус фонд ташкил этилиши мумкин. Бундай фондни ташкил этиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**14-модда. Халқаро ҳамкорлик**

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва халқаро шартномаларига мувофиқ божхона иши, контрабандага, гиёҳванд воситалар, психотроп моддаларнинг ғайриқонуний муомаласига қарши кураш масалалари ҳамда ўз ваколати доирасидаги бошқа масалалар бўйича хорижий давлатларнинг божхона ва бошқа органлари ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга оширади.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 29 август.

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ*

## «ДАВЛАТ БОЖХОНА ХИЗМАТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирсин, вазирликлар ва идоралар ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ҳамда бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**
**Э. ХАЛИЛОВ.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 29 август.

---

# ХАЛҚИМИЗ БИЗДАН ҲАЛОЛЛИК ВА ФИДОИЙЛИКНИ КУТМОҚДА

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Оқолтин туманидаги А. Тоифов номли деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмаси раҳбари Х. Баҳриев жорий йилда пахтани яширинча 108 гектар, ғаллани эса 311 гектар кам эккан. У ана шунинг эвазига 279 гектар шоли, 95 гектар полиз экинлари экиш учун ерни «бошқа»ларга бериб юборган. Х. Баҳриев ерни ана шундай тарзда талон-тарож қилганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилди.

Шу тумандаги Усмон Носир номли деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмаси табиий офатдан сўнг бузилган пахта майдонлари ҳисобига ўзбошимчалик билан, режадаги 40 гектар ўрнига 230 гектар шоли экkan. Гарчи режага мувофиқ мазкур ерлардан 457 тонна шоли топширилиши лозим бўлса-да, лекин айни пайтгача бор-йўғи 110 тонна ҳосил топширилган. Буни қандай тушуниш ва изоҳлаш мумкин? Бундан ташқари, хўжаликда 200 гектар пахта майдонидан умуман кўчат олинмаган. Ҳолбуки, мазкур хўжалик бу ерлардан 619 тонна пахта олиши керак эди. 380 гектар майдондан 1000 тонна пахта йиғиб-териб олиниши мўлжалланган ҳолда, бугунги кунда унинг бор-йўғи 158 тоннаси тўпланган, холос. Бу ҳолатлар айни пайтда текширилмоқда.

Ёдингизда бўлса, Президентимиз шу соҳа мутасадди раҳбарларидан: «Пахта, ғалла қаёққа кетди? Менга 4 миллион тонна пахта, 4 миллион тонна ғалла бор, деб баҳордан кузгача ёлғон маълумот бериб келдинглар. Қани ўша пахта, қани ғалла? Техника қани, уруғ, ўғит, уларга кетган маблағ қани, қаёққа ғойиб бўлди?» деб сўраганида, ҳеч ким жавоб беролмаганди. Текшириш давомида жойларда мутасадди раҳбарлар ерларни ёнғоқчи, қовун-тарвузчи ҳамда «шоликор»га бериб юборганлиги аниқланди.

Шу ерда бир оз чекинайлик-да, мулоҳаза юритайлик. Бизда ўзимизни ўзимиз ғалла билан таъминлаш имконияти бор. Биз эса нима қилаяпмиз? Режадагидан кам ғалла етиштириб, қолганини четдан валютага олиб келаяпмиз. Мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, эҳтиёжимизга яраша ғалла етиштирганимизда ўша валюталарни бошқа эҳтиёжларимиз учун сарфламасмидик.

Бу ерлар ўз-ўзича ёки шунчаки берилган, деб ўйламаслик керак. Унинг орқасида шу соҳага мутасадди бўлган раҳбарларнинг шахсий манфаатдорлиги бор.

Республика қишлоқ хўжалик тизими амалда бўлган иқтисодий қонунлар билан қўллаб қувватланмоқда. Ҳар йили етарли миқдорда техника, минерал ўғит, уруғлик, ёнилғи-мойлаш материаллари ва иш ҳақи учун маблағлар ажратилаяпти. Лекин, кўриб турганингиздек ғалла, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда эса кутилган натижага эришилмаяпти. Мутасадди раҳбарлардан сўрасангиз улар дарров масъулиятни ўзидан қочириб, «обҳаво»ни рўкач қилишади. Йўқ, аслида ундай эмас. Бунинг учун биринчи навбатда бевосита мутасадди бўлган раҳбарлар айбдор. Чунки қишлоқ хўжалигидаги барча хўжасизлик, лоқайдлик, суиистеъмолчилик, беларволик учун моддий, маъмурий, интизомий ва жиноий жавобгарлик борлигини жойлардаги баъзи раҳбар ходимлар мутлақо унутиб қўйишган.

Текшириш давомида аксарият жойларда қизиқ ҳолатга дуч келдик. Бир хил ер, бир хил шароит, бир хил сув, лекин ҳосил, натижа ҳар хил. Бири ўша ер, жойдан 35--40 центнер ҳосил олса, иккинчисиники 10-15 центнерга ҳам етмайди. Бунинг учун ахир кимдир жавоб бериши керакку. Демак кам ҳосил олган хўжалик раҳбари ё ишининг кўзини билмайди, ёки боқимандалик кайфиятидан ҳали ҳам холос бўлолмаган. Натижада, ўша хўжалик аъзолари ўз вақтида маош ололмайди, рўзғорида етишмовчилик бўлади. Бунинг учун ўша раҳбар жавобгар бўлмасдан ким жавобгар бўлиши керак?

**-- Ҳайъатнинг кенгайтирилган мажлисида яна бир масала-агротехника қоидаларига мутасадди шахсларнинг эътибори ҳам муҳокама қилинди. Бу борада аҳвол қандай?**

-- Афсуски, бу борадаги аҳволни ҳам қониқарли деб бўлмайди. Масалан, ўтган йили кузги шудгорлаш топшириғи 1996 йилнинг 1 декабригача Сирдарёда 48 фоиз, Жиззахда 53 фоиз, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида 76 фоиз бажарилган. Ернинг қолган қисми декабрь, ҳатто январь ойларида ҳам ҳайдалган. Аксарият вилоятларда шудгорлаш ишлари март ойигача ҳам давом этган. Лекин, ҳукумат раҳбариятига шудгорлаш ишлари декабрь ойида тугатилди, деб сохта маълумот берилганини қандай тушуниш ва изоҳлаш мумкин.

Аниқланишича, Республика бўйича 1996 йилнинг 1 ноябригача 26807 ҳайдов тракторидан 15811 таси (59 фоизи) тайёр, деган ҳисобот берилган. Аслида бунинг акси бўлган. Масалан, Наманган, Фарғона, Навоий, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида бўлганимизда 10--15 фоиз техника баҳоли-қудрат ишлаганлигининг гувоҳи бўлдик.

Ёки ерни озиқлантириш масаласини олинг. Шу мақсадда 1996 йилнинг 1 декабригача ажратилган фосфорли ўғитларнинг 61 фоизи заводдан юклаб жўнатилган бўлишига қарамай, кузги шудгордан олдин ерга фосфорли минерал ўғит бериш Сурхондарёда бор-йўғи -- 8, Сирдарёда -- 9, Бухорода -- 17, Тошкентда -- 18, Жиззахда 20 фоизни ташкил этган.

Жиззах вилояти Зафаробод тумани «Агрокимёхизмат» корхонасининг омбор мудирлари Нурматов ва Ускенбоевлар 10 тонна фосфорли ўғитни жиноий йўл билан талон-тарож қилганликлари учун озодликдан маҳрум қилиндилар.

Агар хабардор бўлсангиз, айни пайтда, Жиззах ва Сирдарё вилоятига Фарғона водийсидан кўплаб ҳашарчилар ёрдамга келишди. Аслида ана шу ҳашарчиларга эҳтиёж бормиди? Бу ахир пахтанинг таннархини ошириб юборади-ку.

**-- Дарвоқе, техникадан нега фойдаланилмаяпти?**

-- Ҳамма гап ана шунда-да. Рақамларга эътибор беринг. Пахтаси асосан машиналарда терилиши лозим бўлган, одам кучи кам Жиззах вилоятида 1471 та пахта териш машинасидан атиги 157 таси, Сирдарёда 1424 тадан 431 таси, Тошкент вилоятида 976 дан 373 таси теримга жалб қилинганини қандай изоҳлаш мумкин? «Ўзқишлоқхўжаликмаш -- Холдинг» компанияси томонидан Жиззах ва Сирдарё вилоятлари хўжаликларига жўнатилган 456 та терим машинаси бутловчи қисмлари йўқлиги туфайли далага чиқарилмади.

Оқ олтин тумани, Сардоба деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмаси раиси Тастанбеков хўжалик таъминотчиси Айтўраев билан бирлашмага ажратилган 6 дона яп-янги пахта териш машинасини Қозоғистонга 24 минг АҚШ долларига ўзининг боғидан чиққан маҳсулотдай сотиб юборгани учун суд ҳукми билан узоқ муддатларга озодликдан маҳрум этилдилар.

Айрим туманларда ажратилган майдонларга белгиланган нормада уруғ ташламаслик, битта майдонга тўрт-беш хилдаги уруғ навларини экиш, кўчатларга агротехник ишлов бериш, озуқа билан таъминлаш ҳамда суғоришда белгиланган қоидаларга риоя қилмаслик ҳоллари ҳам аниқланди.

Масалан, Навоий вилояти, Навбаҳор туман ҳокимининг муовини Э. Эрназаров 10 тоннага яқин буғдойни ўзлаштиргани учун қамоққа олиниб, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этилди.

**-- Деҳқон пешона тери эвазига етиштирилган пахтани сотиш масаласида ҳам мавжуд қонунларни бузиш ҳолатлари аниқландими?**

-- Бундай ҳолатларни, айниқса, пахта қабул қилиш пунктларида учратиш мумкин. Тарозибонлар деҳқоннинг йил 12 ой меҳнат қилиб, етиштирган пахтасининг навини пасайтириш, намлиги, ифлослигини кўпайтириш, чиқимини камайтириш йўллари билан ортиқча пахта толасини жамғаради ва уни қалбаки ҳужжат билан жиноий тил бириктириб, тушумини бўлиб ейишади.

Масалан, шу йилнинг май ойида Хоразм вилояти, Урганч пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятининг раиси Сапарбой Жуманиёзов бошлиқ 6 кишидан иборат жиноий гуруҳ 105 тонна пахта толасини қўшни давлатга қалбаки ҳужжатлар билан олиб чиқиб кетаётганида қўлга олиниб, жавобгарликка тортилдилар.

**-- Айтишларича, ғўзанинг баргини туширадиган «Дропп-Ультра» дефолианти яхши самара бермаган эмиш?**

-- Ўша сиз самарасиз, деган «Дропп-Ультра» дефолианти республикамизга қанча миқдорда келтирилганлигини биласизми?

**-- Йўқ.**

-- 7,5 миллион доллар қийматидаги дефолиант келтирилган. Устига устак уларнинг бир йилдан бери омборларда эгасиз ётгани, талон-тарож ҳамда исроф бўлаётганини қандай изоҳлаш мумкин? Бундай зарар охир-оқибат деҳқоннинг елкасига келиб тушмайдими? Бу ахир жиноят эмасми?

Пахтакор тумани «Агрокимётаъминот» акционерлик жамиятининг раиси А. Жуманов, бош ҳисобчи И. Искандаров ва омбор мудири Г. Ҳайитовлар 3 минг литрга яқин 7,5 млн. сўмлик қимматбаҳо «Дропп-Ультра» дефолиантини бошқа давлатга сотганликлари учун жорий йилнинг июнь ойида узоқ муддатли қамоқ жазоларига ҳукм қилиндилар.

Зафаробод туманидаги «Агрохимтаъминот» ҳиссадорлик жамиятида 10,5 млн. сўмлик «Дропп-Ультра» дефолиантининг камомади юзасидан жиноий иш тергов қилинмоқда.

**-- Республика прокуратураси ходимлари томонидан қишлоқ хўжалик соҳасига доир қонунларнинг назорати бўйича олиб борилаётган ишлардан раҳбар сифатида қониқасизми?**

-- Факт ва рақамлардан кўриниб турганидек, бу борада анча меҳнат қилинди. Буни, албатта, эътироф этмоқ керак, деб ўйлайман. Масалан, охирги бир ярим йил ичида прокурорлик назорати йўли билан қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича ўтказилган текширувларда 1909 моддий, 3000 интизомий, 2521 маъмурий, 828 та раҳбар шахсларга нисбатан жиноий жавобгарлик чоралари кўрилди.

Прокуратура органлари томонидан 562 та мансабдор шахслар жиноий жавобгарликка тортилиб, улардан 14 таси порахўрлик, 194 таси ишга совуққонлик билан қараганлиги, 141 таси мансабини суиистеъмол қилганлиги учун жазоландилар.

Лекин, афсуски, бу борадаги ишларимизни ҳали қониқарли, деб бўлмайди. Шу боис, айниқса, қишлоқ хўжалиги тизимига доир қонунларнинг ижросини текшириш ва назорат қилиш борасида жойларда кескин ҳамда аниқ чоратадбирлар кўрилмаяпти. Шу сабабли биргина жорий йилда республика бўйича 11 та туман прокурори ўз вазифасидан озод қилинди.

Узоққа бормай, кечагина бўлиб ўтган Республика прокуратурасининг кенгайтирилган ҳайъат мажлисини олиб кўрайлик. Мажлиснинг ўзидаёқ Республика Бош прокурори Прокуратура, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ходимларидан иборат иккита текширув гуруҳи тузилганлигини маълум қилган эди. Бош прокурорнинг биринчи ўринбосари Усмон Худойқулов раҳбарлигидаги биринчи текширув гуруҳи қишлоқ хўжалигида ташқи иқтисодий алоқаларни амалга оширишда йўл қўйилаётган қонунбузарлик ҳолатларини ўрганади. Бош прокурор ўринбосари Рашит Қодиров раҳбарлигидаги иккинчи текширув гуруҳи қишлоқ хўжалиги иқтисодиётидаги суиистеъмолчиликлар, талон-тарож ҳолатларини текшириш ва қонуний чоралар кўриш билан шуғулланади. Бу гуруҳлар аллақачон ишни бошлаб юбордилар.

Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Республика қишлоқ хўжалигига жавоб берувчи биринчи раҳбарлар, Бухоро, Навоий, Сурхондарё вилояти ҳокимлари ҳамда бир қанча туман ҳокимлари ердан ва қишлоқ хўжалиги агротехника қоидаларидан етарли даражада фойдаланмаганлиги ва бунинг оқибатида иқтисодимизга етказилган жиддий зарар учун Республика Бош прокурори томонидан «Прокуратура тўғрисида»ги Қонун талабларига мувофиқ ёзма равишда огоҳлантирилдилар ва бу ҳолат қайта такрорланган тақдирда янада жиддий жазоланишлари таъкидланди.

**-- Сиз ана шундай камчилик ва муаммоларнинг асосий сабаби нимада, деб ўйлайсиз?**

-- Асосий сабабчилар ўша соҳанинг мутасаддиларидир. Чунки, давр бугунги кунда барча соҳа вакиллари олдига янгидан-янги вазифалар қўймоқда. Президентимизнинг ёш кадрларга эътибор берайлик, дейишида ҳам катта ҳикмат бор. Раҳбар токи шахсий манфаатидан халқ, ватан манфаатини юқори қўймас ва буни тўла англамас экан, ундан ҳуқуқий-демократик, инсон манфаатларини кўзлайдиган мамлакат равнақи учун наф кутиш беҳуда гап, демакдир. Жамият ва халқ бугун ҳаммамиздан мустақиллигимиз, тараққиётимиз йўлида фидойилик ҳамда ҳалолликни талаб қилмоқда. Ҳаммамиз ана шунга мос иш тутсак бас.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Исмат ХУДОЁРОВ**
**суҳбатлашди.**

